

ҚАМЧИҚ ДОВОНИДА ҚОР ЁҒМОҚДА



А-373 "М-39 а/й Гулистон-Бўка-Ангрен-Қўқон-Андижон орқали-Ўш" автомобиль йўлининг Қамчиқ довонидан ўтган қисми 188-253 км.лар оралиғида қор ёғмоқда.

Қор ёғиб турган пайтда довонда транспорт воситаларининг бетўхтов икки томонлама ҳаракатланиши таъминлаш учун "Қамчиқавтойўл" ИЙФУК томонидан йўл қоламасида сирпанчиқ бўлмаслигини олдини олиш мақсадида туну-кун йўлларга қум-туз аралашмаси сепиш, йўлларни қордан тозалаш ишлари бажарилмоқда.

Ҳозирги вақтда автотранспорт воситалари икки томонлама хавфсиз ҳаракатланмоқда. Довонда вақти-вақти билан қор ёғиб, туман тушиш ҳолати кузатилмоқда. Йўлларда кўриниш 300 метрни, ҳаво ҳарорати - 4 даража, намлик 66 фоизни ташкил этмоқда. Шамол тезлиги 2-11 м/с. Қамчиқ" довони йўлидан юрадиган хайдовчилардан барча хавфсизлик чораларини кўришларини тавсия қилиб қоламиз.

Автомобиль йўллари қўмитаси

Ахборот хизмати